



1837 йилда, хизмат сафари чоғида, инглиз дипломати ва тилшуноси Генри Роулинсон Вавилонга олиб борадиган қадимги йўл ёқасидаги Бехистун жарли тош деворида галати ёзувлар билан ўралган рельефни кўрди. Роулинсон бу рельеф ва ёзувларни кўчириб олди ва саккиз йил ўтиб, уларни ўз таржимаси билан биргаликда чоп этди. Унинг китоби бомба каби таъсир қилди.

Ўша йилларда француз тадқиқотчиси Ботта Хорсабад яқинида биринчи ассурий қасрини кашф қилди. Бу топилма ҳам илм-фан оламини ларзага солди. Одамлар хайрат билан қуруқ чўллардан топилган ажойиб санъат ёдгорликларини томоша қилар эдилар – подшоҳлар ва аскарлар, ҳудодлар ва куллар, зўр тезлик билан югурган соқолли қамончилар ва найзачилар тасвирланган ҳайкаллар, товук тана, бургут қанот ва инсон бошли улкан ҳайкаллар... Шундай қилиб, минг йиллик унутулганлик заволидан ажойиб ва буюқ бир цивилизация юзага чиқди, шундай қадимий эдики, ҳатто милоддан аввалги IV асрда яшаган буюқ юнон тарихчиси Геродот ҳам бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди.

«Эй сен, келажакда бу ёзувни кўрадиган киши, мен тошга ўйиб ёздирган ёзувларни ва бу инсон тасвирларини вайрон қилма ва уларга тегма...». Булар Роулинсон ўқиган илк сўзлар эди ва бир неча йил ўтиб, клинописни ҳар қандай шарқшунос ўқий оладиган бўлди. Бир-биридан хайратланарли кашфиётлар кетма-кет қилар эди ва археологлар ниҳоят клинописни ўйлаб топганларни – бутун Жанубий Осиёга асрлар давомида тарқалган ёзув техникасининг яратувчиларини топдилар. Улар шундай халқ эдики, милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирида икки дарё – Тигр ва Евфрат пастки соҳилларида, ҳосилдор ерларда яшай бошлаган ва ўша давр учун мисли кўрилмаган давлат – Шумерни барпо этган.

Шумерлар дунёда биринчи бўлиб сув каналларини ихтиро қилган. Улар ботқокларни

куритишни ва сувни далаларга олиб боришни мисрликлардан бир неча аср олдин ўрганган. Уларнинг мамлакатларида тош ҳам, дарахт ҳам йўқ эди, шунинг учун улар тошни ўзлари ясаган – гил хумдонда пиширилган гиштлар тайёрлаб, улардан уйлар ва ибодатхоналар қуришган. Улар қадимий шаҳарлар барпо этганлар, уларнинг меъморий ва қурилиш усуллари ўз ўқитувчиларининг мавжудлигидан беҳабар бўлган халқларнинг амалиётига кириб борган.

Бугунги кунда шубҳасиз аниқки, биринчи шумер шаҳарлари милoddан аввалги IV – III минг йилликлар чегарасида пайдо бўлган ва уларнинг энг асосийлари Ур, Урук, Эриду, Ниппур ва Лагаш бўлган. Шаҳарларда савдо ривожланган, хунармандлар жуда чиройли сопол буюмлар ва бронза асбоб-ускуналар ясаган. Хар бир шаҳар мустақил давлат бўлиб, унга энси (шоҳча) бошчилик қилган. Клинопис лавҳалари ерлар, сувлар, қуллар учун олиб борилган урушлар ҳақида ҳикоя қилади. Улар шоҳлик ерларида ва фуқаролар уйларида ҳўжалик юритиш усуллари батафсил баён этади.

Шумерлар бокс, кураш ва овчилик билан шугулланганлар, шунингдек, икки гилдиракли енгил аравачаларда эшаклар ёрдамида пойғаларда иштирок этганлар. Улар ўз ибодатхоналарининг деворларидан қуёш ва юлдузларни қузатганлар. Улар йилда неча кун борлигини аниқлаганлар, йилни ўн икки ойга, ҳафтани етти кунга, кунни йигирма тўрт соатга, соатни олтиш дақиқага ажратганлар.

Шумер матнлари қанча қўп топилса, тарихчилар шунчалик хайратга тушар эдилар.

Маълум бўлдики, айнан шумерлар қамон, ер хайдов қурилмаси ва гилдиракни ихтиро қилганлар. Улар биринчи бўлиб бугдой, зигир, нўхат ва узум етиштиришни бошлаганлар. Лекин қизиқарлиси шундаки, ушбу табиқчаларда шумерларнинг қачон ва қайдан қелганлиги ҳақида гап қетса, тарихчиларнинг бетараф қўли тушунарсиз фантазия билан тўлиб-тошади. Шумер мамлакатининг сирли тарихлари айнан шу ерда бошланади.

Шундай қилиб, бир хронологияга қўра, биринчи 120 шумер шоҳлари 241200 йил ҳукмронлик қилган, иккинчисига қўра эса 456000 йил! Бундан ташқари, солномаларда «ҳали одамлар ҳукмдорсиз (яъни давлатсиз) бўлган вақтни эслайдилар» дейилади ва ҳукмдорлар рўйхатидан шундай ҳулоса чиқадики, биринчи шоҳлар ҳудолар элчиси деб ҳисобланган.

Шумерлар эътиқодига қўра, улар барча билимларни Эа ҳудоси туфайли олганлар. У сувдан одам-қалиқ қиёфасида қиккан.

Мифнинг тафсилотлари жуда қизиқарли:

«Эритрей денгизидан (форс қўрғази), у Вавилонияга етиб қелган жойдан, Эа номли оқилона мавжудот пайдо бўлди. Бу маҳлуқнинг бутун танаси қалиққа ўхшар, қақат қалиқ боши остида иккинчи, инсон боши бор эди; унинг нутқи ҳам инсонники эди. Бу маҳлуқ қун бўйи одамлар орасида яшар, лекин ҳеч қандай озуқа қабул қилмас эди.

У одамларга ёзув, илм-фан, хар қил санъат турларини ўргатди, уларни шаҳарлар барпо қилишга, ибодатхоналар қуришга, қонунлар ўрнатишга ва ерни ўлчашга, турли қил мевалар экиш ва йигишга ўргатди. Лекин қуёш ботганида, бу хайратланарли Эа яна денгизга қўқиб қетар ва тунни сув тубида ўтқазар эди, қунқи унинг уйи у ерда эди». Қадимги матнлар Эанинг қайритабиий қелиб қикишини таъқидлаб, одам-қалиқнинг бошини нур ўраб олганини қикр қиладилар.

Эриду – энг қадимий шумер шаҳри қонлилари томонидан ёзилган сехрли матнларда, шунингдек, Эани муҳофаза қилган ва унинг билан ҳамма жойда бирга юрган одам-қалиқлар – ақаллулар ҳақида ҳам гап қетади.

Агар кадимги халкнинг афсоналарига ишониладиган бўлса, шумерларнинг бош ватани етти денгиз ортида жойлашган афсонавий Дилмун мамлакати деб ҳисоблаш керак. Эанинг ўзи, «денгиз чуқурликларининг билимдони», у ерда ҳукмрон бўлган. Кўринадики, бу тасодиф эмас, чунки шумерлар буюк денгизчилар бўлиб, Форс кўрфази сохилларини жуда яхши билганлар. Гил табличкалардан бирида, милоддан аввалги 3200 йилга оид энг кадимий дунё харитасининг тасвири сакланган бўлиб, бу уларнинг кенг географик билимларига далил бўлади.

Кейинги маълумотлар Дилмунни Бахрайн ороли билан тенглаштириш имконини берди. 1950-йиллардан бери оролда археологик казишмалар олиб борилмокда ва натижада инсон фаолиятига доир турли далиллар топилган: дафн қиладиган жойлар, пирамида шаклидаги ибодатхоналар ва энг муҳими – гил ва тошдан ясалган турли муҳрлар, улар савдогарлар томонидан товарларини белгилаш учун ишлатилган.

Айни шу муҳрлар бутун илмий жамоатчиликни хайратда қолдирди, чунки улар орасида ҳам шумерларга тегишли, ҳам Хиндистон яриморолининг энг кадимий цивилизацияси – Мохенжо-Дарога оид муҳрлар бор эди. Археологларни бу ҳақиқатга муҳрларда ўйиб қизилган тасвирлар ишонтирди: бир томонда Гилгамеш ва Этананинг қахрамонликлари, иккинчи томонда эса зебу букалари – Хиндистоннинг муқаддас ҳайвонлари.

Шундай қилиб, беш минг йил муқаддам Хинд океанининг икки қаршисида жойлашган ҳудудлар ўртасида мис, олтин, фил суяги, лажвард ва сердолик савдоси жонлангани аниқ бўлди!

Аммо энг катта шов-шув яна бир қатор муҳрларда қуш-инсонлар тасвири топилганида юзага келди. Гап шундаки, шундай ўзига хос расмлар факат дунёдаги битта жойда – Пасха оролида учрайди, у ерда бир вақтлар қуш-инсон қулти гуллаб-яшнаган.